# Тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган преференциялар ва имтиёзлар
# РЎЙХАТИ

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| **Давлат активи ва ер участкаларини сотишда тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар** | | | |
| 1. | Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига давлат активларини оммавий савдоларга чиқаришда уларнинг бошланғич нархини (баланс, номинал қийматларида, фонд биржаси котировкаси бўйича,) соф активлари қийматида ёки давлат активлари **баҳоланган нархининг 70 фоизгача пасайтирилган** миқдорида белгилаш ҳуқуқи берилган. | ПҚ-423<br>21.07.2006 й. | Доимий |
| 2. | Давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини **3 йилгача бўлган муддатда бўлиб-тўлаш** имконияти мавжуд.<br>Базавий ҳисоблаш миқдорининг — 3 000 бараваригача — **уч ойдан кўп бўлмаган муддатда**;<br>- 3 000 – 6 000 бараваригача **олти** ойдан кўп бўлмаган муддатда;<br>- 6 000 – 12 000 бараваригача **ўн икки** ойдан кўп бўлмаган муддатда;<br>- 12 000 – 15 000 бараваригача **ўн саккиз** ойдан кўп бўлмаган муддатда;<br>- 15 000 – 18 000 бараваригача **йигирма тўрт** ойдан кўп бўлмаган муддатда;<br>- 18 000 – 20 000 бараваригача **ўттиз** ойдан кўп бўлмаган муддатда;<br>- 20 000 бараваридан юқори **ўттиз олти** ойдан кўп бўлмаган муддатда. | ПФ-5666<br>19.02.2019 й. | Доимий |
| 3. | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини **мулк ҳуқуқи** асосида аукцион орқали сотишда ҳам давлат активларини сотишда қўлланиладиган **уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш** тартиби татбиқ этилади. | ПФ-101<br>08.04.2022 й. | Доимий |
| 4. | Давлат активларини сотиб олишда шартнома тузилган кундан бошлаб **бир ой ичида** тўловлар тўлиқ амалга оширилса, сотиб олиш тўловлари суммасидан шартнома тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда чегирма берилади. | ПҚ-2200<br>03.07.2014 й.<br>ВМҚ-279<br>06.10.2014 й. | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 5. | Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида **35 фоиз** миқдоридаги дастлабки тўловни бир йўла амалга оширган харидорларга мазкур давлат активлари ва ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилади. | ВМҚ-420<br>01.08.2022 й. | Доимий |
| 6. | Давлат активлари бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда бир ой муддат ичида дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кўп бўлган ҳолатларда, қолган суммага нисбатан фоиз ҳисобланмайди. | ПҚ-168<br>18.03.2022 й. | Доимий |
| 7. | Саноат зоналарида ер майдонлари ва бино-иншоотларни электрон онлайн-аукцион орқали ижарага беришда сотиб олиш тўловларини **йигирма тўрт ой муддатда** бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган. | ПФ-153<br>03.06.2022 й. | Доимий |
| 8. | Савдо-саноат палатаси томонидан берилган «20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис» дастурида иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари аукционда давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари ва ерга бўлган ҳуқуқларни сотиб олганда:<br>- 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун **3 йилгача;**<br>- 101 тадан — 200 тагача янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун **4 йилгача;**<br>- 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган тадбиркорлик субъектлари учун **5 йилгача** фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш муддати берилади. | ПФ-93<br>12.06.2023 й. | Доимий |
| 9. | “Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг активларини савдога чиқаришда харид тўловларини, миқдоридан қатъи назар, **5 йилгача** бўлиб-бўлиб тўлаш;<br>**уч ойдан ортиқ** муддат мобайнида сотилмасдан турган активларнинг бошланғич баҳосини **30 фоизгача** пасайтириш, зарур ҳолларда **баланс (қолдиқ)** қийматида сотиш чораларининг кўрилишини таъминлаш. | ПҚ-329<br>10.10.2023 й. | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 10. | Меҳмонхона ва туризм хизматларини кўрсатиш бўйича давлат активларини савдога чиқаришда харид тўловларини, миқдоридан қатъи назар, **5 йилгача** бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини назарда тутиш;<br>**уч ойдан** ортиқ муддат сотилмасдан турган активларнинг бошланғич баҳосини **30 фоизгача** пасайтириш, зарур ҳолларда, **баланс (қолдиқ)** қийматида сотиш чораларини кўриб бориш. | ПФ-9<br>12.01.2024 й. | Доимий |
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ–287-сон Фармонига асосан республика туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилган бўлиб, мазкур Фармон билан **4-5 тоифаларга** киритилган **туман ва шаҳарлар** учун:<br>**а) Давлат мулки** ҳисобланган **ер участкалари** ва **биноларни** электрон савдоларга чиқаришда преференциялар бериш мақсадида лотнинг закалат миқдори (амалдаги ставкага нисбатан) **50 фоиз**;<br>**б) Давлат активлари**, жумладан, **ер участкалари мулк ҳуқуқи** асосида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда, дастлабки тўлов суммаси **35 фоиздан кам** бўлган ҳолатларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридаги йиллик фоизлар **ҳисобланмайди** ҳамда сотиб олиш тўловидан қатъи назар, **5 йил** давомида тенг улушларда тўловларни амалга ошириш белгиланган. | ПФ–287<br>30.12.2022 й. | Доимий |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сон қарорига асосан **4 ва 5-тоифадаги** туманларда фаолият юритаётган **«АА»** ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида **15 фоиз** миқдоридаги дастлабки тўлов бир йўла амалга оширилганда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида **йиллик фоизларни ҳисобламаслик** ҳамда бўлиб-бўлиб **тўлаш муддатини 5 йилгача узайтириш** белгиланган. | ПҚ-39,<br>23.01.2024 й. | Доимий |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ–33-сон Фармонига асосан кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғолибларига лот қийматининг **30 фоизини** аукцион якунланган кундан бошлаб **беш иш кунидан** кечиктирмай, | ПФ-33<br>09.12.2021 й. | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| | **қолган қисмини 12 ой давомида** тенг миқдорда **фоизсиз** бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган. | | |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 октябрдаги ПҚ-331-сон қарорига асосан Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳасида инвестиция лойиҳалари учун ер майдонларини ажратиш тизимини соддалаштириш ва кичик саноат зоналари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида электрон онлайн аукцион савдолари ғолиблари томонидан ер участкалари учун маблағлар **3 йил** давомида **тенг улушларда** тўлаш белгиланган; | ПҚ-331<br>11.10.2023 й. | Доимий |
| 15. | 2024 йил 1 майдан бошлаб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотишни тезлаштириш ва улар негизида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектларини ишга туширишни рағбатлантириш мақсадида:<br>**а)** Аукцион савдоларига чиқарилган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) **уч ой давомида сотилмаганда**, уларнинг **бошланғич нархи 30 фоизигача**, **олти ой давомида сотилмаганда 10 фоизигача** босқичма-босқич **10 фоиздан** пасайтирилади ва сотиб олиш тўловларининг **15 фоизини уч ой муддатда**, қолган қисмини **10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти берилади;<br>**б)** Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб **чиқиб 4 ва 5-тоифаларга киритилган туманларда** жойлашган давлат активлари ҳамда мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича:<br>дастлабки тўлов суммаси **35 фоиздан кам бўлган** ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби бекор қилинади;<br>тўловларни, миқдоридан қатъи назар, **5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб** тўлаш имконияти яратилади;<br>қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун амалга ошириладиган дастлабки тўлов миқдори **35 фоиздан 15 фоизга пасайтирилади**; | ПҚ-162<br>19.04.2024 й. | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 16. | Давлат акция пакетлари **хорижий инвесторларга** «Тошкент» РФБ савдолари орқали хорижий валютада сотилиши ва улар бўйича тўловлар **шартномада белгиланган валютада амалга оширилиши мумкин.** | ПҚ-162<br>19.04.2024 й. | Доимий |
| 17. | 2024 йил 1 августдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача бўлган давлат активларини, ер участкаларини ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш бўйича ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари жараёнида, иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги закалат миқдоридаги суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда, ушбу маблағлар закалат сифатида ҳисобга олинади. | ПҚ-162<br>19.04.2024 й. | Доимий |
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| 18. | Аукцион савдоларида сотилган нархидан қатъи назар барча харидорларга харид тўловларини **7 йил** муддатда бўлиб тўлаш имкониятини бериш;<br>аукцион савдоларида сотилган давлат кўчмас мулк объектлари бўйича тузилган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловлар **3 ой** ичида тўлиқ тўланганда шартнома қийматининг **25 фоизига** тенг миқдорда чегирмалар бериш;<br>жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционда сотиб олиш қийматини **5 йил** давомида бўлиб тўлаш имкониятини яратиш;<br>туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган биноларни хусусий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига танлов орқали бериш ва бинони туман ҳокимлиги балансида қолдириш, уч йилдан сўнг хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш пайтида баҳоланган қийматнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлаш ҳисобига беш йил давомида тўлаш шарти билан тақдим этилган биноларни хусусийлаштириш имконини бериш. | ПҚ-264<br>30.05.2022 й.<br><br>ПФ-213<br>31.08.2022 й. | Доимий |
| 19. | Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида оммавий савдоларга чиқарилган давлат мулки объектлари **уч ой** муддатда сотилмаган тақдирда, уларни Ҳудудий танлов комиссиясининг баёнига асосан инвестиция миқдори ва киритиш муддатини ҳамда | ВМ-625<br>27.11.2023 й. | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| | уни танловга *(оммавий савдоларга)* чиқаришда белгиланган бошланғич нархининг **10 фоизидан** кам бўлмаган миқдорда янги бошланғич нархда танловга чиқариш амалиёти жорий этилган. | | |
| **Қашқадарё вилояти бўйича** | | | |
| 20. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги ПҚ-376-сон қарорига асосан:<br>**Шаҳрисабз туманининг «Мираки», «Амир Темур», «Улоч» ва «Полмон» маҳалла фуқаролар йиғинлари** ҳамда **Қамаши туманининг «Катта ўра» маҳалла фуқаролар йиғини** ҳудудларида хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда 2024-2025 йилларда қўшимча меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари ва дам олиш масканларини қуриш мақсадида бўш **ер участкаларини 10 йил** муддатда **тенг улушларда** бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган. | ПҚ-376<br>28.11.2023 й. | Доимий |
| **Хоразм вилояти бўйича** | | | |
| 21. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-89-сон қарорига асосан:<br>а) давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олган харидор олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб **уч ой ичида** сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, сотиб олиш тўловлари суммасидан **25 фоиз** миқдорида **чегирма** берилади;<br>б) давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича тўловлар, уларнинг миқдоридан қатъи назар, **5 йил** ичида **тенг улушларда** бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган. | ПҚ-89<br>28.02.2024 й. | Доимий |
| **Давлат мулкини ижарага бериш бўйича** | | | |
| 1. | **IT-паркнинг тавсияномасига** асосан бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотлари ҳамда IT-парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) **бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.** | ПҚ-87<br>26.02.2024 й.<br>(2-банди) | 1 йил муддатга |
| 2. | Дастурда иштирок этувчи корхоналарга давлат мулки объектига бир йил муддатга тузилган текин фойдаланиш шартномаси муддати тугагандан сўнг Дастурда иштирок этувчи корхоналар билан уларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган бино ва | | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| | майдонлар (хоналар) **юзасидан «E-Auksion» электрон савдо платформасида бир метр квадрат майдон учун тегишли ҳудуд бўйича шаклланган ўртача ижара ҳақи миқдорида тўғридан-тўғри шартнома тузилади.** | | |
| 3. | Ҳудудларда **бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино-иншоотлар**, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган бинолари Дастур иштирокчиларига ўз ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда «амалий мономарказ» ташкил қилиш учун фойдаланишга **танлов (талабгор ягона бўлганда — тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага берилади.** | ПФ-93 12.06.2023 й. (7-банд 12-хатбоши) | Доимий |
| 4. | Маданий мерос объектларини ҳунармандларга ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич **нарх амалдаги ставкага нисбатан 50 фоиз миқдорида белгиланади.** | ПФ-91 12.06.2023 й. (10-банд 4-хатбоши) | Доимий |
| 5. | Касаначиларни жалб қилган тадбиркорлик субъектларига **давлат мулки объектларини ижара тўловларини 50 фоизга камайтирган ҳолда ижарага берилади.** | ПҚ-70-сон 23.02.2023 й. (2-илова) | Доимий |
| 6. | Тадбиркорлик фаолиятини туман ва шаҳарларнинг тоифаларидан келиб чиқиб, қўллаб-қувватлаш чоралари 3-иловага мувофиқ Тадбиркорлик субъектларига давлат мулки объектларини **ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нархни белгилаш (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоизга туширилади.** | ПҚ-287 30.12.2022 й. (4-банд 2-хатбоши) | Доимий |
| 7. | «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз хотин-қизларни **ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларидан 50 фоиз миқдорида имтиёз берилади.** | ПҚ-376 21.09.2022 й. *(1-илова)* | Доимий |

| **Т/р** | **Имтиёзнинг номланиши** | **Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги** | **Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати** |
|---|---|---|---|
| 8. | Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида **70 фоизи «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўлган, давлат мулки объектлари учун ижара ҳақи тўловидан 5 йилга озод этилади.** | ПҚ-376<br>21.09.2022 й.<br>*(1-илова)* | 5 йилгача |
| 9. | Ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт-таълим муассасаси фаолиятини олиб бориш учун давлат тасарруфида бўлган зарур бино ва иншоотларни **2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар** нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун **фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларини 50 фоизга камайтирилади.** | ПФ-6260<br>13.07.2021<br>(13-банд)<br><br>ПҚ-302<br>01.07.2022 й.<br>(1.2,-1.3 бандлар) | 2024 йил<br>1 январдан |
| 10. | Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестрига киритилган ҳудудлардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорлик субъектлари томонидан **давлат мулки объектларини ижарага олишда ижара тўловларидан 90 фоиз миқдорида имтиёзлар берилади.** *(Истисно тариқасида электрон савдоларни ўтказмасдан ижарага берилади, алоҳида шартлар мавжуд)* | ПФ-87<br>07.03.2022 й.<br>(9-банд, 3-илова) | 2026 йил<br>1 январга қадар" |
| 11. | Спорт тўгаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан **белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага бериш.** | ПҚ-92<br>19.01.2022 й.<br>(1-иловаси 9-банди) | Доимий |
| 12. | Ёшлар дафтарига киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан **ижара тўловларидан 50 фоиз миқдорда имтиёз берилади.** | ПФ-6208<br>20.05.2021 й.<br>(1-банд) | Доимий |
| 13. | Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида **70 фоизи "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар бўлган, давлат мулки объектлари учун ижара ҳақи тўловидан 5 йилга озод этилади.** | | 5 йилгача |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 14. | **Давлат мактабгача таълим ташкилотида овқатлантириш аутсорсинг усулида ташкил этилганда**, ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, **асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўлов ноль ставка бўйича белгиланади.** | ВМ-626-сон 25.07.2019 й. (5-банд 3-хатбоши) | Доимий |
| 15. | Давлат мулкини ижарага олган алоҳида тоифадаги (ногиронлиги мавжуд ёки ходимлари таркибининг кўпроқ қисми ногиронларни ташкил этувчи) **тадбиркорлик субъектларига ижара тўловини ушбу объектга нисбатан аукцион савдолари натижалари бўйича белгиланган ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида белгилаш.** | ПҚ-3782 11.06.2018 й. (1-банд) | Доимий |
| 16. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга **"Ёшлар ишлаб чиқариш кластерлари" ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари** корхона ташкил топгунига қадар, аммо **5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг «ноль» ставкаси бўйича ижарага берилади** | ВМҚ-834 16.10.2017 й. (5-банд) | 5 йилгача |
| 17. | Ўзбекистон **ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга** фойдаланилмаётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг илтимосига кўра **5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг «ноль» ставкаси бўйича ижарага берилади.** | | |
| 18. | **Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрида** жойлашган фойдаланилмай бўш ётган давлат объектларини ушбу объектлар негизида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига **янги иш ўринлари яратиш шарти билан «ноль» ставкаси бўйича ўн йил муддатгача ижарага берилади.** | ПҚ-3301 29.09.2017 й. (9-банд) | 10 йилгача |
| 19. | Қишлоқ жойлардаги таълим муассасалари жойлашган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, **уларнинг ошхоналарини ижарага беришда «ноль» ставкасини қўллаш. *(Ваколатли комиссия томонидан кўриб чиқилади)*** | ВМҚ-132 02.05.2016 й. *(5-банд)* | Доимий |

| Т/р | Имтиёзнинг номланиши | Имтиёз ва преференциялар белгиланган ҳужжат реквизитлари таркибий бирлиги | Имтиёз ва преференция-ларнинг амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 20. | **Моддий маданий мерос объектларини инвестиция киритиш шарти билан** ижарага олган тадбиркорлик субъектлари улар билан шартнома тузилган кундан бошлаб **беш йил муддатга ижара тўловининг ҳисоблаб чиқилган қийматининг 80 фоизи миқдорида ижара тўловини тўлашдан озод этиш.** | ВМҚ-53 06.03.2014 й. (1-илова, 32-банд) | Доимий |
| 21. | Ҳунармандлар учун давлат мулки обйэктлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг **50 фоизи миқдорида белгиланади.** | ПФ-5242 17.11.2017-й (16-банд) | Ўз кучини йўқотган |
| 22. | **«Яшил энергия» компанияси** ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино-иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда, ушбу бино-иншоотларнинг тегишли қисмларидан **ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланади.** Бунда, ижара шартномалари белгиланган тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилади. | ПҚ-57-сон 16.02.2023-й (6-банд) | |
| 23. | **2024 йил 1 январдан** бошлаб хусусий шахмат клубларига улар томонидан шахмат тўгаракларини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун давлат мулки объектлари ва ҳудудлардаги **«Ёшлар марказлари»дан ижара тўловларисиз (коммунал тўловлар бундан мустасно) жой ажратилади.** | ПҚ-150-сон 08.05.2023-й (10-банд) | Доимий |
| 24. | Тадбиркорлик субъектлари томонидан «E-AUKSION» электрон савдо платформаси орқали 2024 йил 1 январга қадар тузилган ижара шартномалари бўйича ижарага олинганига камида беш йил бўлган давлат мулки объектини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида капитал таъмирлаш, модернизация қилиш, теварак-атрофини ободонлаштириш ва бино-иншоотларни турли даражада яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган ва ижара тўловлари ўз вақтида тўлаб келинган ҳамда ушбу объект хусусийлаштириш дастурига киритилган тақдирда уларга ушбу **давлат мулки объектини баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиб олиш ҳуқуқи берилади** | ПҚ-162 19.04.2024 й. | Доимий |